

Таъзия



09:43 / 09.10.2018 2868

«Hilol-nashr» нашриёт-матбааси ҳамда Islom.uz портали таҳририяти жамоаси Абдулатифхон маҳдум домланинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. Марҳумнинг барча оила аъзоларига, қариндошлари ва яқинларига самимий ҳамдардлик билдиради.

Абдулатифхон домла 1930 йилда Наманган шаҳрида таваллуд топдилар. 1952 йилда Мир Араб мадрасасида ўқишга кирдилар. Сўнгра Тошкентдаги Бароқхон мадрасасида тўрт йил таълим олдилар. Бу давр мобайнида, тафсир ва фикҳни чуқур ўргандилар. Мадрасани тугаллагач, Мир Араб мадрасасида араб тилидан сабоқ бердилар. 1960-1962 йилларда Сурия Давлат университетининг шариат факультетида Шайх Муҳаммад Амин Мисрий, Шайх Мустафо Аҳмад Зарқо, Ҳишом Бурҳоний каби ислом оламининг таниқли олимларидан таҳсил олдилар. 1963-1968 йилларда

Бухоро шахридаги Мир Араб мадрасасида мударрис ва илмий мудир вазифасида фаолият юритдилар. 1968-1972 йилларда эса мадраса мудирини бўлдилар.

Абдулатифхон домла 1973 йилда Наманганга қайтиб Шайх Эшон жоме масжидида (1977-1980), кейинчалик Махмуд Эшон масжидида имом-хатиб бўлдилар. 1991 йилда Наманганда “Мулла Қирғиз” (ҳозирги “Ҳидоя”) мадрасаси очилганидан кейин, кўп йиллар ушбу даргоҳда тафсир илмидан дарс бердилар. Абдулатифхон домла динимиз, халқимиз учун кўплаб шогирдлар тайёрлаб, тарбият қилдилар.

Абдулатифхон махдум нафақада, фахрий имом эдилар.

Аллоҳ таоло охират сафарига кузатилаётган бу бандасини мағфиратига олсин, аҳли аёллари, фарзанду набираларига сабру салвон бериб, қазои қадарини иймон ила, розилик ила қарши олганлар қаторида ажру мукофотлар ато этсин.

Жаноза пешин намозидан сўнг Наманган шахридаги Мулла Эшон жоме масжидида бўлиб ўтади.

«Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъун»

Islom.uz портали таҳририяти